



Бухоро вилояти Бухоро шаҳар Х/р: 20208000507374724001 МФО: 01148, ИНН: 312696489,
ЧЭКИ "INVEST FINANCE BANK". ОКЭД: 69202. Тел: 50-090-12-12, 91-339-09-24

*Аудитнинг Халқаро стандартларига (АХС- 700) мувофиқ мустақил ўтказилган
аудит бўйича
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ*

"BOG'OT DON" AJ нинг раҳбарларига:

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тўлиқ номи: "BOG'OT DON" AJ
Юридик манзил: Хоразм вилояти, Богот тумани, Қулонқорабоғ ҚФЙ
Ҳисоб рақами: 20208000200232736001. Богот Т, "Агробанк" АТБ Богот филиали
ИФУТ: 10610 – Тегирмон-ёрма саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариши
СТИР: 200 426 279
Тел: +998 88 718 78 00
Асос: Шартнома № 17/026-FTP. 2026 йил 26 март

Ижобий фикр

Биз "BOG'OT DON" AJнинг 2025 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатлар бўйича ҳаққоний ва ишончли тарзда тайёрланган ҳамда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни ва миллий бухгалтерия стандартларига тўлиқ мувофиқдир. Шу билан бирга, ҳисоботда кўрсатилган маълумотлар корхонанинг молиявий ҳолатини ишончли акс эттиради.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда ахлоқий қондаларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажарганмиз.

Жамиятнинг тайёрлаган молиявий ҳисоботларининг тайёрланишида аудитнинг ижобий фикр беришига таъсир қилмайдиган баъзи ҳолатлар мавжуд ва бу бўйича аудитнинг алоҳида тузилган аудиторлик ҳисоботида ёритилган. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва

корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Жамият раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек, Жамият раҳбарияти жавобгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Auditor
№ 2026-FTP





Бухоро вилояти Бухоро шаҳар Х/р: 20208000507374724001 МФО:01148. ИНН: 312696489.
ЧЭКИ "INVEST FINANCE BANK". ОКЭД: 69202. Тел: 50-090-12-12. 91-339-09-24

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиқ бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда, компания ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқали. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

(АХС- 700)

МЧЖ "FINAN TAX PRIME"
аудиторлик ташкилоты директоры

Навоий шаҳри

Хулоса ёзилган сана: 26.05.2026 йил

А.Зокиров